

Муфтий ҳазратлари Нукус шаҳридаги марказий жоме масжидга ташриф буюрдилар



15:36 / 21.02.2022 985

Бугун, 21 февраль куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла ҳазратларининг Қорақалпоғистон заминига сафарлари бошланди.

Муфтий ҳазратлари дастлаб, Нукус шаҳридаги марказий “Имом Эшон Муҳаммад” жомесига масжид жамоаси билан пешин намозини бирга адо этиш ва мавъиза қилиш учун ташриф буюрдилар. Пешин намозини масжид қавми билан адо этгандан сўнг, муфтий ҳазратлари Аллоҳ таолонинг берган неъматларига шукр қилиш фазилатлари ҳақида намозхонларга суҳбат қилиб бердилар.

Йирик жоме масжидга йиғилган мўмин-мусулмонлар муфтий ҳазратларининг ташрифларидан беҳад мамнун бўлиб, гўзал суҳбатларидан руҳий озуқа олдилар.

Маълумот ўрнида, “Имом Эшон Муҳаммад” масжиди маъмурий биносининг биринчи қаватида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Қорақалпоғистондаги вакиллиги идораси жойлашган. Иккинчи қаватида ахборот-ресурс маркази, кутубхона ташкил этилган. Намоз ўқийдиган катта хонақоҳ қайта таъмирланиб, гумбаз нақшинкор қилиб ишланг

Ўзбекистон мусулмонлари

идораси Матбуот хизмати